

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

4 Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 августдаги ПҚ–2384-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек автомобиль транспортини сафарбарлик вазиятига тайёрлашни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги марказий апаратининг янгиланган тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 5 январь,
2-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 5 январдаги 2-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти
агентлигининг марказий аппарати
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 37 нафар,
шу жумладан, бошқарув ходимлари — 27 нафар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 5 январдаги 2-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспор-ти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 10 мартдаги 118-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 27-модда):

3-банднинг биринчи хатбошидаги «35 нафар» ва «25 нафар» сўзлари тегишли равишда «37 нафар» ва «27 нафар» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловадаги «Ўзбекистон автомобилчиси» газетаси таҳририяти» блоки чиқариб ташлансин;

3-илованинг 2-бандидаги «Ўзбекистон автомобилчиси» газетаси таҳририяти» сўзлари чиқариб ташлансин;

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспор-ти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 10 мартдаги 118-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 8 сентябрдаги ПҚ–1615-сон қарори)» 2011 йил 6 декабрдаги 318-сон қарорининг 1-банди ва қарорга 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 12-сон, 93-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.